

Turkiston

1925-yildan chiqq
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 30-oktabr, chorshanba
№ 83 (15721)

ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод уйида «Истеъдод мактаби» V Республика ёш ижодкорлар семинари ташкил этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан адабиётга меҳри баланд йигит-қизлар иштирок этмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси К.Каримов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий адабиётимизни рағбатланиш, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган адиб ва шоирлар маънавий меросини ўрганиш, ижодини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда адабиёт оламига ўз сўзи, ўз овози билан дадил кириб келаётган истеъдод соҳибларини аниқлаш, илк машқларини нашр этиб, адабий жамоатчилик ва халқимизга яқиндан таништириш масаласи — доимий эътиборда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёш шоир ва ёзувчилар, драматурглар, таржимонларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Аънанавий «Истеъдод мактаби» Республика ёш ижодкорлар семинаридан кўзланган мақсад ҳам адабиётга ҳаваси баланд ёшларга зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериш, ижодини кенг адабий жамоатчилик назаридан ўтказишдан иборат.

Семинар иштирокчиларидан бири — Ойжамол Жўлдосбоева Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда таҳсил олади.

— Мамлакатимизда биз, ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятимизни рўёбга чиқариш учун барча шароит яратилган, — дейди ёш шоира О.Жўлдосбоева. — Мазкур семинар таниқли ёзувчи ва шоирлар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг тавсия ва маслаҳатларини олиш имконини беради. Бу биз, ёшлар учун гоят фойдалидир.

Олтмиш нафардан ортиқ ёш ижодкор иштирок этаётган семинар машғулотлари давомида ёзувчи ва шоирлар, таржимонлар, публицистлар, драматурглар томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилади. «Биринчи китобим» ижодий лойиҳаси доирасида илк китоблари нашр этилган ёшлар билан учрашувлар, уларнинг ижод намуналаридан иборат «Созимда Ватан васфи» тўпламининг тақдими ўтказилиши кўзда тутилган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Тошкентда ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилмоқда



Пойтахтимизда таълим олиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига аъзо бўлмаган талабани учратиш қийин. 58 мингдан зиёд аъзолари бўлган Миллий кутубхона пойтахтимиздаги энг гавжум масканлардан бири. Илғор, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу даргоҳ маънавиятимиз, маданиятимиз дурдоналари асраб-авайлаб сақланаётган, кадрланиб, авлодларга беминнат хизмат қилаётган зиё ўчоғидир.

Ана шу муҳташам бинода яна бир тадбир ташкил этилди. Муҳташам мажмуада аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган навбатдаги «INFOLIB UZBEKISTAN —

2013» ахборот-кутубхона ҳафталигига республикамиздаги ўқув юртларидаги ахборот-ресурс марказлари ва архив мустахассисларидан ташқари, мамлака-

тимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, юртимиздаги йирик археолог олимлар, тарихчи ва мусиқашунослар, машҳур ёзувчи ва шоирлар, эстрада юлдузлари, рассомлар ташриф буюрди. Ҳафталик Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари

вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, билиминини, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун шарт-шароит, кенг ахборот-ресурслари базасини яратиш соҳасида бир қанча ижобий натижаларга эришилгани ҳафталик доирасида ташкил этилган тадбирлар мисолида ўзифодасини топмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

«Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.

Бу йил танловнинг шаҳар ва туман босқичларида уч минг нафардан ортиқ ўғил-қиз қатнашди. Уларнинг 357 нафари Қорақалпоғистон Республикаси босқичида яна бир бор ўз маҳоратини намойиш этди.

Танлов якунига кўра, қирқ уч нафар истеъдод эгаси фестивалнинг финал босқичида қатнашадиган бўлди.

Олмазор туманидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўн-ўн икки ёшлилар ўртасида шахмат ва шашка мусобақаси бўлиб ўтди.

Мактабнинг «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти томонидан ўтказилган ушбу мусобақада 72 нафар ўқувчи «ақл гимнастикаси» бўйича ўзаро беллашди. Мусобақа якунида энг кучлилар аниқланиб, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бойсун туманидаги маданият уйида «Одам савдосини биргаликда тўхта-тамиз» мавзуида тадбир ўтказилди.

Унда туман ички ишлар бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди. Тадбирда одам савдоси ва унинг аянчли оқибатлари, ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида туман сардорлар кенгаши аъзолари ва 47-мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган одам савдосига оид сахна кўриниши намойиш этилди.

Ангор туманидаги 6-ва 7-мактабларда «Диний экстремизм ва миссионерликка қарши кураш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ҳаракатнинг туман кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, маънавият тарғибот маркази бўлими, туман саломатлик маркази ва туман имом хатиби иштирок этди. Улар ёшларга бу иллатларнинг салбий жиҳатлари ҳақида гапириб, бундай тарғибот тадбирларини янада кўпроқ ўтказилишини айтишди.

Тадбир сўнгида ушбу иллатларга қарши курашиш бўйича тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Тошкентда ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилмоқда

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Ҳафталик давомида сўнги йилларда халқимизнинг бой маданий меросини асраш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, ноёб нашрлар ва қўлёзмаларни реставрация қилиш бўйича семинар бўлиб ўтди. Миллий кутубхонада ахборот-кутубхона фойдаланувчилари учун интернет тармоғидан фойдаланишда яратилган янги дастурлар ўтказилди. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш, мутолаани тарғиб қилиш, китобхонларнинг ўзларига керакли ахборотларни мустақил излаш ва қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни янги нашр қилинаётган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув ва бадий адабиётлар билан батафсил таништириш мақсадида рангбаранг мавзуларда семинар-тренинглари, танловлар ташкил этилди. Ҳафталик таассуротларга бой бўлиши учун ташкилотчилар томонидан юртимиздаги етакчи нашриётларнинг китоблар ярмаркаси, кўргазма, маҳорат дарслари, спектакллар, кутубхона бўйлаб саёҳатлар уюштирилади.

— Бугунги кунда кутубхонамиз фондида салкам етти миллионга яқин ахборот ресурслари мавжуд, — деди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси етакчи мутахассиси Гулбахор Қобилжонова.— Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар, китоблар, даврий, мусиқа ва нота нашрлари, илмий-техник ҳужжатлар, авторефератлар, диссертациялар, электрон нашрлар, брайл ёзувидаги китоблар, компьютерлар, инфо-киосклар китобхонлар ихтиёрида. Кутубхона аъзолари халқаро интернет тармоғи ва Wi-Fi зонаси имкониятларидан фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, кутубхонамиз фондида Юртбошимиз Ислон Каримовнинг кўп жыллик асарларининг электрон версиялари, бадий асарлардан ташкил толган аудио-китоблар, «Норма» ва «LEX.UZ» ҳуқуқий маълумотлар базалари яратилди.

Ҳафталик доирасида тадбирлар Миллий кутубхонада китобхонлар учун ахборот-кутубхона хизматининг йилдан-йилга юқори даражага кўтарилиб бораётганини кўрсатмоқда.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

«Kamolot» loyihalari

Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Матбуот хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатларини янада тақомиллаштириш» мавзуида медиа-тренинг бошланди.

Ёш журналистлар учун медиа-тренинг

Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида фаолият кўрсатувчи матбуот хизмати ходимлари ҳамда республикамиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ ёш журналистлари иштирок этмоқда.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу медиа-тренинг доирасида иштирокчилар учун оммавий ахборот воситаларининг малакали мутахассислари томонидан ахборот хизмати ва унинг ташкилот фаолиятидаги аҳамияти, жамоатчилик олдида чиқиш технологияси ва нотиклик маҳорати, ахборот хизмати фаолиятида интернетдан фойдаланиш, медиа-лойиҳалар ишлаб чиқиш технологияси каби мавзуларда ўқув ва амалий машғулотлар, маҳорат дарслари ташкил этилади. Шунингдек, иштирокчилар Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати фаолияти билан яқиндан танишадилар.

Тадбир иштирокчилари томонидан «Камолот» ЁИХнинг 2014-2015 йилларга мўлжалланган ОАВ билан ишлаш, ташкилот фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган, ижтимоий йўналтирилган медиа-лойиҳалари дастури бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилади.

Уч кун давом этадиган мазкур медиа-тренинг доирасида матбуот хизмати ходимлари тренинг якунларига бағишланган намунавий матбуот анжуманини ўтказишади.

Семинар 1 ноябрга қадар давом этади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Масъулият белгиси

Ҳар ўқув йилида ўн ёшга тўлган ўғил-қизлар тантанали равишда «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилинади. Улар она Ватанни ардоқлашга, давлат рамзларини ҳурмат қилишга, яхши ўқишга, катталарни эҳтиром қилишга, устозлар ўғитига амал қилишга ваъда беришади.



«Kamalak» bolalar tashkilotida

2013-2014 ўқув йилида ҳам Тошкент вилоятидаги 882 та умумий ўрта таълим мактабида «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди. Унда ўн ёшга тўлган 40534 нафар ўғил-қиз «Камалак» сафига қабул қилинди.

Тадбирларда барча аъзоликка қабул қилинган ўқувчиларга «Камалак» болалар ташкилотининг кўкрак нишони тақилди.

Зебо САМАНОВА,
Тошкент вилояти «Камалак» болалар ташкилоти раиси

Отангга балли, мард йигит!

Бир йигитнинг қилган ишини кўриб, «отасига тортибди», «отасига ўхшабди», деб кўяди доно кишилар. Яхшиликда, эзгу амалларда оталарга ўхшаш қандай бахт! Ҳаётда инсон жуда кўп ютуқларга, муваффақиятларга эришиши мумкин. Лекин элнинг «Барака топсин, ота-боболарига тортибди бу йигит!» деган эътирофидан юксакроқ баҳо бўлмаса керак.



Андижонлик ака-ука Шоввозбек ва Садамбек Юнусовлар ҳам отасига ўхшаган тенгдошларимиздан. Улар Беруний номидаги давлат стипендияси ва «Камолот» ЁИХнинг таълим гранти соҳибларидир. Икковиям илмга чанқоқ, иккаласиям спортчи. Улар кўплаб чемпионларни тарбиялаётган бокс мураббийи, спорт устаси Шавкат Юнусовнинг ўғиллари.

Иккинчи ўғил тўққиз ёшида отасига эргшиб, спорт клубига қатнай бошлади. У ерда малакали мураббийлардан бокс сирларини ўрганди. Йиллар давомида ўз ёш тоифасида турли мусобақаларда қатнашиб, тобланиб борди. 2007 йилда ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида 54 кило-

грамм вазн тоифасида иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллади.

У спортни яхши кўради. Шуғулланишни канда қилмайди. Бир воқеа юз бермаганида, эҳтимол, бугун унинг номини Муҳаммадқодир Абдуллаев, Владимир Кличко сингари машҳур боксчилар қаторида тилга олиш мумкин эди. Бироқ у спорт билан бирга илмда ҳам улкан натижаларга эришишни мақсад қилган эди. Андижон шаҳридаги 22-мактабда ўқиётганида кимё фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг вилоят босқичида ғолиб бўлиши эса, унинг ана шу мақсадини амалга оширишга тузуккина туртки берди.

Тез орада тенгдошимиз Андижон қишлоқ хўжалиги

институтида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси мутахассислиги бўйича ўқий бошлади. Яхши ўқиди, жамоат ишларида фаол қатнашди. Соҳасига оид турли адабиётларни ўқиб-ўрганиб борди. Ўзи ҳам илмий мақола-лар ёзди. У «Салат ўсимликларини қиш олдидан экиш самарадорлигини ўрганиш» мавзуида илмий иш олиб борди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол аъзосига айланди.

— Спортга қизиққан учун кўпроқ соғлом турмуш тарзи йўналишидаги тадбирларда иштирок этардим, — дейди С.Юнусов. — Фаол «Камолот»-чилардан тарғибот гуруҳини шакллантириб, мактабларда

Сенинг tengdoshing

соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар, спорт мусобақаларини ўтказардик. Шундай кунларнинг бирида менда ҳам «Камолот» таълим гранти танловида қатнашиш истаги туғилди. Танловга эришган ютуқларим билан бирга, Фарғона водийсида тезпишар оқ дур пиёзининг уруғларини кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган лойиҳамни тақдим этдим. Танловдан муваффақиятли ўтиб, 2011-2012 ўқув йилида «Камолот» таълим грантига сазовор бўлдим. Шундан буён акам Шоввозбек эришган ютуқларга мен ҳам эришим керак, деб ҳаракат қиламан.

Ҳавас билан интилиб яшган инсон, албатта, мақсади ҳам эришади. Тенгдошимиз ҳам 2012 йилда Беруний номидаги давлат стипендияси соҳибига айланди. Айни кунда у Тошкент кимё технология институтининг 1-курс магистранти. Ўз соҳасидан ташқари хорижий тилларни ўрганишга ҳам қаттиқ бел боғлаган. Инглиз тилини билади. Яна уч-тўртта чет тилини ўрганиб олсам, бу менинг имкониятларимни янаям оширарди, илғор мамлакатлар тажрибасини бевосита ўргансам, уларни ҳам юртимизда татбиқ этиш ишига катта ҳисса қўшардим, дейди у.

Биз унга, ниятингизга етинг, ота ўғил, деймиз.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири.
Сардор Муллажонов олган сурат.

Hududlardan mujdalar

ҚАШҚАДАРҲ ВИЛОЯТИ

**Китоб туманида
«Ёш қутқарувчилар»
мусобақаси бўлиб
ўтди.**

Намунавий тарзда ташкил этилган ушбу мусобақа «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, фавқулодда вазиятлар ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилди. Унда туман мактабларидаги «Ёш қутқарувчи» кўнгиллилар клуби аъзоларидан иборат «Қалқон», «Осиё бургутлари», «Шерюраклар» жамоалари таништирув, савол-жавоб, биринчи тиббий ёрдам, спорт мусобақалари каби бешта шарт бўйича ўзаро беллашди.

Мусобақа сўнггида 28-мактабнинг «Қалқон» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

СИРДАРҲ ВИЛОЯТИ

**Боёвут туманидаги
5-болалар мусиқа
ва санъат мактаби-
да «Янги авлод»
болалар ижодиёти»
фестивалининг
туман босқичи
бўлиб ўтди.**

Бу йил уч юз қирқ уч нафар боёвутлик ўғил-қиз ушбу танловда қатнашиш истагини билдирди. Улар туман босқичида ўз истеъодларини намойиш этди. Танлов сўнггида энг яхши деб топилган йигирма тўрт нафар ёш иқтидор эгаси вилоят босқичига йўлланма олди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**Навоий шаҳридаги
7- ва 17-мактаблар-
да «Ўрта махсус
касб-хунар таълим-
ининг мажбурий-
лиги баркамол
авлодни тарбия-
лашнинг муҳим
омилидир» мавзуи-
да очиқ мулоқот
бўлиб ўтди.**

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этиб, мавзуга оид маърузалари билан қатнашди. Тадбирда ўқувчи-ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Зарафшон шаҳридаги
2-мактабда «Вояга
етмаганларнинг дарс-
дан бўш вақтларини
мазмунли ташкил
этишни янада кучайти-
риш» мавзуида давра
суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда шаҳар ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар бўйича комиссия, ички ишлар бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилот вакиллари қатнашди. Улар ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган масалалар юзасидан гаплашишди.

Shunday markaz bor

Фидойилик, ҳамжиҳатлик, келажакка ишонч



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Термиз шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» бундан етти йил аввал сурхондарёлик ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари, касб-хунар ўрганиб, соғлом турмуш тарзи асосида камол топишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилганди.

Ўтган вақт мобайнида уч ярим минг нафардан зиёд ёш ушбу марказдаги санъат, миллий кураш, шахмат-шашка, ёшлар студияси тўғрақларида қатнашиб, етарли билим ва кўникамага эга бўлди. Улар орасида Ирода Иброҳимова, Иномжон Шоймуродов, Райҳона Дониёрова каби тенгдошларимиз шахмат бўйича республика ва Осиё чемпионларида муваффақият қозонган. Санъат тўғрагининг уч нафар аъзоси «Янги авлод» болалар

ижодиёти фестивали ва «Келажак овози» танловларида совриндор бўлган. Миллий кураш тўғраги аъзоларининг ютуғи эса бундан-да салмоқли — полвон тенгдошларимиз турли мусобақаларда йигирмадан зиёд олтин, ўлтиздан ортиқ кумуш медалларни қўлга киритган.

Бу йил шаҳар ИИБ профилактик ҳисобида турувчи йигирма тўрт нафар тенгдошимиз ҳамда кам таъминланган оилаларнинг ўлтиз беш нафар фарзанди

мазкур «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»га жалб этилди.

— Машғулотларда ҳар бир ёшга алоҳида эътибор қаратиб, ўз устида ишлаши, иқтидорини рўёбга чиқариши учун кўмаклашишга ҳаракат қиламиз, — дейди ЁИХМ миллий кураш тўғраги раҳбари Умид Қосимов. — Фаолиятимиз фақат машғулотлар билан чекланмаган. Барча тўғрақлар аъзолари билан ҳамжиҳат турли қизиқарли тадбирлар ва лойиҳаларни ўтказамиз. Яқин кунлар ичида «Истеъдод чарчаш билмайди», «Алпомишларни майдонга чорлаймиз», «Ёш шахматчилар» «Фаолларни излаймиз» мавзуида ажойиб тадбир ва беллашувлар ўтказишни мақсад қилганмиз.

ЁИХМга келган киши доим қизғин машғулотлар устидан чиқади. Бир хонада қатор терилган стол-стулларда ўғил-қизлар берилиб дон сураётган бўлса, бошқасида курашчи тенгдошларимиз шиддат билан беллашаётган бўлади. Бу ҳаммаси эмас, ЁИХМ координаторининг маълум қилишича, ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларига кўра, тез кунларда тикувчилик ва чет тилларни ўрганиш тўғрақлари ташкил этилади. Ҳар куни янгича шижоат, кўтаринки кайфиятда иш бошланадиган ушбу ЁИХМга келган кишининг хаёлидан биринчи ўтадиган фикр шундай бўлади: бу ёшлар бунча гайратни қаердан олади?! Жавоби оддий: ишга фидойилик, ҳамжиҳатлик туйғуси ва, албатта, эртанги кунга юксак ишонч!

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» муҳбири

Самарқанд вилоятида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент ўз ниҳоясига етмоқда. Бугунги кунга қадар вилоятда оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий эксперимент мунтазам равишда ёритилди. Шунга доир тўрт юздан ортиқ материаллар тайёрланди. Журналистик материаллар шаҳар ва туман газеталарида ҳам чоп этилиб, аҳолининг кенг қатламига етказилишти.

Ҳуқуқий эксперимент бошланганидан буён Самарқанд вилоятида аҳолининг ахборот олиш борасидаги фаоллиги сезиларли ошгани таҳлилчилар томонидан алоҳида тилга олинмоқда. Бунга жойларда сўровлар сонининг кўпайгани ҳам мисол бўлиши мумкин. Яъни ахборотдан фойдаланувчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида маълумот олиш бўйича сўровлар юбориш усулларида кенг фойдаланмоқда. Хусусан, шу пайтгача фуқаролар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларидан вилоят ҳокимлигига 274 та, шаҳар ва туман ҳокимликларига 368 та,

корхона ва ташкилотларга 2194 та сўров келиб тушган ҳамда уларга тегишли тартибда жавоблар берилган.

Вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, бошқарув органлари томонидан босма оммавий ахборот воситалари ҳамда веб-сайтларда ўтказиладиган очиқ йиғилишларига фуқаролар ва ОАВ вакиллари жалб этиш мақсадида эълонлар жойлаштирилмоқда.

Вилоятдаги ҳуқуқий эксперимент субъектлари томонидан ўтказилган коллегиял ва очиқ йиғилишларда 129 нафар нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари, тўққиз нафар фуқаро иштирок этган.

Октябрь ойи ҳолати бўйича вилоятдаги 91 та ҳуқуқий эксперимент субъектининг 58 таси ўз веб-сайтига эга бўлди, 26 таси учун юқори ташкилотлардаги веб-сайтлар таркибида алоҳида саҳифа очилди. Еттига субъектининг веб-сайти ва саҳифасини йўлга қўйишга доир ишлар ниҳоясига етиш арафасида.

Корхона-ташкilotларнинг веб-сайтларини такомиллаштириб бориш мақсадида ҳафтанинг шанба кунини вилоятда веб-сайтлар билан ишлаш кунини деб эълон қилинган.

Вилоятдаги шаҳар ва ту-

манлар ҳокимликлари веб-сайтларини қонун лойиҳаси талаблари даражасида ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлигида тузилган ахборот-консультатив гуруҳи томонидан кўрсатмалар берилмоқда, камчиликларни бартараф этиш юзасидан индивидуал тартибда тушунтириш ишлари олиб борилаёпти.

Аҳолини ҳуқуқий эксперимент ҳақида янада кенгроқ хабардор этиш мақсадида вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти — www.Samarkand.uz мунтазам равишда юритиляпти ва янгиланяпти.

Қонун лойиҳасининг 9-моддасига мувофиқ, бошқармалар жойлашган бинонинг кириш жойида идора фаолияти билан боғлиқ муҳим маълумотлар, хусусан, раҳбарият, бўлимлар йўналиши ва иш тартиби, фуқароларни қабул қилиш ва мувожаатларни кўриб чиқишга оид маълумотлар, ахборот стендлари ташкил этилди.

Самарқанд шаҳри ва бир қатор туманларда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси асосида вилоятда ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётганлиги ҳақида

баннерлар тайёрланиб, аҳоли гавжум ҳудудларда ўрнатилди. Шу билан бир қаторда қонун лойиҳасини апробация қилиш бўйича тасдиқланган медиа-режага мувофиқ вилоятда матбуот анжуманлари ва семинарлар ўтказилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари билан муносабатини янада яқинлаштиришга эришиляпти. Бу мавзу вилоят телерадиокомпаниясидаги «Муносабат», «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари», «Депутат минбари» кўрсатувлари орқали ёритилмоқда.

«Самарқанд-СТВ» телеканалда эса «Ҳуқуқий эксперимент — амалда» рукни остида роликлар намойиш этиляпти.

Ҳуқуқий эксперимент бўйича ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимининг махсус фармойиши билан вилоят ҳокимлигида ахборот-консультатив гуруҳи тузилган. Бу гуруҳга олти нафар малакали мутахассис бириктирилиб, ҳар бир субъект билан индивидуал тарзда ишлар олиб бориляпти.

Ҳуқуқий эксперимент жара-

ёнида синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштиришда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳам фаоллик кўрсатаяпти.

Сиёсий партиялар ижро ҳокимияти ва бошқарув органларига маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органи, депутатлар орқали бевосита таъсир кўрсата олади. Демак, улар муайян ижтимоий масаланинг ижросини назорат қилиш ваколатига эга. Шу аснода, сиёсий партиялар бошқарув органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитади, бу органлар томонидан фуқароларнинг мувожаатлари юзасидан қандай чоралар кўрилганидан хабардор бўлиб боради.

Янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш ҳамда ижро ҳокимияти органлари фаолияти, шунингдек, давлат сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилади.

У.АБДИЕВ,
Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт Самарқанд ҳудудий бўлими раҳбари ўринбосари

ОНА ТАБИАТГА МЕҲР

Жорий йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Когон шаҳар кенгашининг Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ижтимоий аҳамиятга эга, деб топилган «Камолот» — Эко!» лойиҳаси учун ўн миллион сўм ажратилган эди.

Мазкур лойиҳа юзасидан бугунги кунда Ҳаракатнинг Когон шаҳар кенгаши томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг «Обод уйим» шиори остидаги биринчи босқичи — октябрь ойида ўтказилиб, унга «Ораста бўлайлик!» шиори танланди. Унда «Камолот» ва «Камалак» сардорлари ташаббуси билан уйлар, кўчалар ҳамда маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Уюшқоқлик билан ўтган ушбу тадбир уюлмаган ёшларни ҳам ўз атрофига бирлаштирди. Ойлик давомида ўтказилган «Диққат, жарима!» акцияси ҳам диққатга сазовор бўлди. Унда тозаланган ҳудудда чиқинди ташлаб, атрофни ифлослантирадиган фуқаролар ва ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Акцияда Когон шаҳридаги «Зиробод» маҳалласида истиқомат қилувчи 5-мактаб сардори Исмоил Насуллаев, Фуқрат маҳалласидан Ибодат Қамбарова ҳамда «Туркистон» маҳалласида яшовчи, 4-мактаб сардорлар кенга-

ши аъзолари Мурод Йўлдошев, Нозигул Музаффарова ҳамда Нозигул Баҳриддинова каби ёшлар фаол иш олиб борди.

СЕҲРЛИ РАНГЛАР ОЛАМИ

«Камолот» — Эко!» лойиҳаси фаоллари фақатгина атроф-муҳит ва табиатни асраб-авайлаш, унинг ободлиги ва тўқислигига ҳисса қўшибгина қолмасдан, ёш истеъодларни саралаш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда. Ана шундай ҳаракатлардан бири — «Сеҳрли ранглар олами» танловининг эълон қилинганидир. Ушбу танлов истеъодли мўйқалам соҳибларини юзга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.

Танлов иштирокчиси Мафтуна Орзиева ўзининг «Она табиатни асрайлик!» шиори остидаги деворий газетасини шарҳлаб, шундай деди: — Табиатни ўз онамга қиёслаймэн. Чунки табиатдаги қуёш онамизнинг қайноқ меҳри, ундаги неъматлар ширин таомларни эслатади.



«Табиатни севинг, ардоқланг», «Табиатни асрайлик!», «Томчи сувда ҳаёт жилваси», «Табиат: кеча, бугун ва эртага» каби шартлар асосида эълон қилинган ижодий ишлар танловида ёшлар турли номинациялар бўйича тақдирланишди. «Энг яхши деворий газета» номинацияси бўйича Когон туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Лазиз Ҳабибов ҳамда Мафтуна Орзиева муваффақиятга эришган бўлса, «Энг яхши муаммо акс этган иш» номинациясида 4-мактаб ўқувчиси Саид Йўлдошев ва 10-мактаб ўқувчиси

Муқаддас Искандарованинг қўли баланд келди. «Энг яхши тарбиявий руҳдаги иш» номинацияси ғолиблиги 7-мактабдан Шерзод Шарипов ва Сухроб Фиёсов ҳамда 10-мактаб ўқувчиси Фарангиз Иброҳимовага насиб этди. «Энг яхши ранг тасвир иши» номинациясида эса 8-мактаб ўқувчиси Зарина Ашурова ҳамда 2-мактаб ўқувчиси Дилноза Исломовага тенг келадигани топилмади.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» муҳбири

Тиллоларга сотилмас ҳаловат

Ўз юртингда топасан уни

ЎЗБОШИМЧА НАБИРА

Эрталаб нонуштада Саодат опа неварасининг кўйига қўл солди:

— Жоним болам, четга бориб ишлайман, деган гапингдан қайт. Ана, маҳалламиздаги Аҳмаджон амакинг сенга ўхшаган беш-олти йигитни ёнига олиб қурилишда ишляпти. Маоши ҳам чаккимас, энг муҳими, эрталаб болалар ота-онасининг бағридан чиқиб, кечда яна ўз уйига — ўлан тўшагига қайтади. Жон болам, ўзинг тананга ўйлаб кўр, ўзганинг юртида хору сарсон бўлиб, ранг-рўйи сомондай сарғайиб юрган қаёқдаю, ўз қишлоғида, яқинларининг бағрида ўйнаб-кулиб ишлаш қаёқда? Бунга нима етсин, кўзичоғим!

— Э-э, — деди Баҳодирнинг энсаси қотиб. — Ўша, сиз айтган коттежда ишлаётганлар остонасидан бошқа жойга чиқшдан кўрқадиган, онасининг пинжида юрадиган эркатойлар, бувижон. Ман — бошқаман, дунё кўришни истайман, кеча чипта олиб келдим, уч-тўрт кунда жўнайман...

Саодат опанинг юраги шувиллаб кетди: «Эҳ, бемаъни бола-я, қари ўламан, деб, ёшлар кетаман, деб кўрқитар экан-да. Ғўр-да ҳали, бир кун ҳаммасига тушунади, бироқ унганча кўп нарсани бой беради, шунисига қуяман-да».

— Баҳодиржон, болалигингдан кўнглингга қарадим, у ёқлардаги қийинчиликларга бардошинг етармикан? Олдимда бўлсанг, ҳар лаҳза дийдорингни кўриб турсам, дейман-да, — кўз ёши қилди Саодат опа. Баҳодир бепишанд, қўл телефонини ўйнаш билан овора, аёл шўрликнинг куйинишларига жавоб беришни ўйламасди ҳам.

Қизи турмушидан ажрагач, уч ёшга тўлиб-тўлмаган набирасини боқиб, улғайтириб қўйган Саодат холанинг ҳаловати йўқолди. Чунки «туққан онамас, боққан она» деганларидек, Баҳодир хорижга кетгач, бағри хувиллаб қолди, юраги туздек ачишиб, набирасини соғинар ва йиғларди. Қизи эса ўз ташвишидан ортмайди, бошқа турмуш қилган, уч боласи бор, дарди ўзига етарли. Кунларнинг бирида... Ҳа, ўша кун Саодат холани тириклайин ўлдирди,

борлигини куйдирди, бағрини тилка-пора қилди. Гап шундаки, саккиз қаватли бино қурилишида ишлаётган Баҳодир эҳтиётсизлик қурбони бўлди. Саккизинчи қаватдан йиқилган йигитнинг бели, оёқ-қўли синиб, касалхонада ётганлиги тўғрисида шум хабар келди. У билан бирга ишлайдиган болалардан бири телефон қилиб, «олиб кетинглар, аҳволи оғир, ўзимиздаги дўхтирларга қаратинглар», деди.

Саодат хола бир кунимга ярар, деб боқётган иккита кўйини соттирди. Нафақасидан жамғарган маблағига кўшиб, куёвига чипта олишга берди.

...Баҳодирни олиб келишадиган кун холанинг уйига одам сиғмай кетди. Қариндошлар, кўни-қўшниларнинг кўзларида мунг, Саодат хола эса шум хабарни эшитганидан буён тўшақда ётганди. Бир бурда бўлиб, кўзлари ичичига ботган, ранглари синиқиб, афт-ангори дард тортаверганидан тиришиб, эрта сўна бошлаган йигитни кўрганларнинг ичи эзилди.

— Эсизгина, навқиронлик...

— Эсизгина, хазон бўлган ёшлик...

Оқилона мулоҳаза юритадиганларнинг кўнглидан шу каби гаплар ўтди.

Яқинда Саодат холанинг жияни Баҳодирни ногиронлар аравасида коттежлар турнақатор тузилган маҳаллага олиб борибди. Жиян ўзи билмаган ҳолда йигитнинг ярасига туз сепадиган гапни гапириб қўйибди:

— Ана, кўрдингизми, Баҳодир ака, бу уйларни Қодир акам қурганлар. Зўр-а! Эртага иккитасида ҳовли тўйи ўтказилар экан...

Баҳодирнинг юрагидан нимадир чирт узилгандай бўлди...

БИЗ КОТТЕЖ ҚУРЯПМИЗ!

— Ҳорманглар, йигитлар!

— Бор бўлинг!

— Қаердан келдинглар? — Гапнинг рост, бу савол ўзимизга ҳам жуда эриш туюлди. Ахир, юз-кўзларидан самимият, шижоат ёғилиб турган йигитлар — ўзимизнинг тумандошларимиз-ку. Ҳарқалай, улар осмондан тушмаганлар — «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли

«Чўмбағиш» маҳалласидан. Улар — хорижда ишляпман, доллар топаяпман, деб кўкракка урмайдилар, ҳаволаниб юрмайдилар. Улар — ўз еримизнинг, юртимизнинг юмушларига кор келаётган, шу заминдан ҳалол ризқини териб юрган замондошларимиз. Улар — узокнинг буғдойини кўзламайдилар, ўзимизнинг сомонимиз қадрига етадиган йигитлар. Бориға шукур қилишади, остонамиз остидаги ишларни бажаришни, ўз гўшасида қадр топишни, тинчлик, эрк, тенглик ато этган юртимизнинг шаънини юксак тутишни биладиган болалар. Улар — яқинларини, фарзандларини ортиқча изтиробга, ташвишга қўймайдилар...

Ҳа, қурувчи йигитлар шаънига ҳар қанча таъриф тавсиф айтсак, камдек туюлаверади. Уларни яқиндан таништиришни жоиз билдик. Сайфиддин Акбаров, Толибжон Исмоилов, Жавлон Ғойиббердиев, Дилмурод Кўчқоров, Адҳамжон Худойбердиев... Қизилёзи қишлоғида қад ростлаётган, намунали лойиҳалар асосида қуриляётган коттежларда бир ярим ойдан буён меҳнат қилишади.

— Кўриб турганингиз — 20-уйда ишляпмиз, — дейди мамнунлик билан Сайфиддин Акбаров. — Фишт териш, бетон қуйиш, сувоқ — барча қурилиш юмушларини бажарамиз. Ойига 800-900 минг сўмдан ҳақ оляпмиз. Ҳар ҳафтада оиламиз бағрига ошиқамиз, фарзандларимиз, яқинларимизни кўриб, қўшнилари билан дийдорлашиб қайтамиз. Бу ерда бизга яратилган шароитдан нолимаймиз, ҳар куни тушлиқда ош берилади, ётоқхона билан таъминлашган. Биздан фақат тер тўкиб, виждонан ишлаш, холос. Ахир, ўз юртингда эмин-эркин меҳнат қилишга нима етсин? Бировларга тобе бўлиш, инон-ихтиёрингни топшириб, елка қисиб ишлашнинг азобини ҳеч кимга равон кўрмаймиз. Айрим иш ахтариб, ҳаёт тарзидан нолиб юрган нодонларга, ношукрларга айтар сўзим — оёғингиз остидан хоҳлаганча иш топса бўлади. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб ҳақ гапни айтишган. Келинг, йигитлар, бирга коттеж қурамиз, ўз зиммамизда нимаики юмушлар бўлса, ҳеч койин-

май, нолимай бажарамиз, она юртимизнинг ҳар қарич тупроғи зар, тошида ҳам гул унади. Ҳамма гап онгли дунёқарашда, ватанпарварликда, холос!

Сайфиддин Акбаровнинг юраги тўридан чиққан мулоҳазалари ҳар қандай одамнинг қалбини ларзага солмай қўймайди. Айни пайтда Қизилёзи қишлоғидаги жами 30 та тураржой биноларининг қурилишида ўнлаб фидойи тумандошларимиз бунёдкорлик ишлари билан машғул. Бугун кимдир хорижда топган маблағию даромадларига мағрурланиб, ўзга юртларда ишлаб келдим, деб манзилини оғиз тўлдириб айтиш мумкин дир. Бизнинг қаҳрамонларимиздан манзилини сўрасангиз:

— Коттеж қуряпмиз. Қизилёзида ишляпмиз. Ҳовли тўйлар яқин, — дейишади фахр билан.

МИШ-МИШЛАРДА ЗАРРАЧА РОСТЛИК

Гоҳида узунқулоқ гапларни эшитиб қоламиз:

— Фалончи уйланибди, икки ой ўтгач, хорижга жўнабди. Келинчакнинг ҳеч чеҳраси очилмабди, фақат йиғлармиш. Ўзи айтолмай, орага одам қўйиб, қайнота-қайнона-сига мақсадини етказибди: «Мени ҳам хорижга жўнатишин, бўлмаса, отамникига кетаман!» Қайсар келинни хорижга жўнаётган ҳамқишлоқ йигитларга қўшиб, куёвболанинг олдиға кузатишибди...

— Фалончихонга хориждан хабар келибди: эри у ёқда бошқачароқ қадам босаётган эмиш. Азалдан рашкчи аёл икки боласини қариндошларига ташлаб, эрининг олдиға равона бўлибди. Болаларнинг тарбияси ҳам, тақдири ҳам кўзига кўринмабди.

— Фалончи хорижга бордию, бу ёқда қолган хотинининг юриш-туриши ўзгарди. Эртадан кечгача шаҳарда, бозор ва дўконларда санғийди. Ҳеч кимни менсимайди, давраларда гап бермайди, мақтанишдан чарчамайди. Эшитишимизча, эри у ёқда бир бойваччанинг тўртта итини боқаркан. Бу намуначи димоғини кўтармаса?

— Биров ўша ёқдан ёмон касалга чалиниб, бегуноҳ хотинига юқтирибди... Бошқаси хорижда хотини тўғрисида ёмон гап эшитиб, ўша заҳотиёқ талоқ қўйибди...

— Яна аллаким алданиб қолиб, одам савдосининг қурбонига айланибди...

— Биттасининг беш-олти йилдан буён дараги йўқ эмиш...

Ундай эмиш, бундай эмиш! Эҳ-е, шундай мишмишларни эшитишдан ортиқ азоб борми?

Миллатимизга хос орият, номус, иззат-ҳурмат, оилаға садоқат, ота-онаға итоатгўйлик, сабр-тоқат, ғурур сингари азалий хислатларимизни айрим юртдошларимиз наҳотки, унутишгача бормоқдалар?

Dolzarb mavzu

Бу — ношукрлик, туз ичган тузлиғига тупуриш эмасми?

— Халқимизда «кўр бўлсанг ҳам кўрнамак бўлма», деган доно нақл бор, — дейди янгиқўрғонлик меҳнат фахрийси Иброҳим ота Отамирзаев. — Замонамиз тинч, дастурхонимиз тўкин, устимиз бут. Бозорларимизга кирсангиз, чиққингиз келмайди. Ҳалол меҳнат, ишбилармонлик ортидан одамларнинг турмуши йил сайин фаровонлашиб бормоқда. Кимки камбағал яшаса, билингки, у — дангаса. Тўрт мучаси соғ бўлиб, ишёқмаслик касалиға чалинган одам қашшоқликка маҳкумда! Кейин бундайларнинг нолишини кўринг. Изланган одамға машғулот топилади, ишдан қочмайди, юмуш танламаган киши ҳеч нарсаса муҳтожлик сезмайди.

— Иккита соғин сигиримиз бор, — дейди бир танишимиз. — Шуларни боқиш билан бандман. Гўнгидан тортиб сутқатиғигача фойда. Қуниға ўн литргача сут беради, сотамиз, қатиғини-ку қишин-ёзин талашиб уйимиздан олиб кетишади. Сузма тайёрлаб сотамиз, қаймоқ ва сарёғи ҳам миждошларимиздан ортмайди. Аёлим ҳам моллар ортидан фойдали иш билан машғул. Иш излаб, хорижга кетишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Молларимни кўпайтириб, рўзгоримни бинойидек таъминлашға ақлим етади.

— Уч сотих томорқамиздан уч марта ҳосил оламиз, — дейди яна бир дугонам. — Қишда иссиқхонада кўкат, лимон етиштирамиз. Даромадимиз ёмонмас, бизни ер боқяпти, ерга меҳр бергани ер ҳам қуруқ қўймайди, қозони мойға, ҳамёни пулга тўлади. Хорижга бориб ишлаш деганда, кўз олдимға неғадир тобелик, ёлланма меҳнат келади. Биласизми, тилимға бир сўз келди, айтмасам, дилим қуяди: «Ўзга юртда бой бўлгандан кўра, ўз юртингда подачи бўлганинг афзал».

Хорижда ишлайман, дея сафарға отланаётган ота, ортингизга бир қаранг! Болаларингиз сизни соғинади, уйда ўрнингиз ўнқиллаб туради, аслида оилангизнинг ризқи ўз қишлоғингизда турибди.

Сафар халтасини елкасига ортмоқлашға шай турган ўғлон, атрофингга боқ!

Сен каби ёшларға мамлакатимизда барча имкониятлар муҳайё, ўқийсанми, ҳунар эгаллайсанми, тадбиркорлик йўлини танлайсанми... Шошма, йигитнинг моли ерда, кучингни ўзга юртларға сотма, алданиб қолма, умрингни хазон қилма!

Буларнинг бари — чиройли гаплар эмас, айрим аянчли қисматға дучор бўлиб қолаётган кимсаларнинг умриға ачиниш, куйиниш, холос! У ёғи ҳар кимнинг ўзига ҳавола...

Дилбар АСҚАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Қозонга аввал... назар ташланади

Қадимда бир моҳир ошпаз бўлган экан. У кўп йиллар саройда турли тансиқ таомлар пиширибди. Кунларнинг бирида шоҳ уни хузурига чорлаб, кечки зиёфатга дунёдаги энг мазали овқатни тайёрлашни буюради. Ошпаз шоҳнинг айтганини қилибди. Аммо дастурхонга тортилган таом ейилмай, шундайлигича қолади. Меҳмонларга хуш ёқмайди. Бундан дарғазаб шоҳ уни қатл қилмоқчи бўлганида, ошпаз ҳақиқатни — ўша куни бир оз тоби қочиб, овқатга бир чимдим меҳр қўшолганини тан олибди. Ва жазодан қутулибди.

Ушбу ривоятни бовиси Шоҳида ая Воситга ўн икки ёшида, биринчи марта мазали норин пиширганида айтиб берганди. Негаки, ўшанда у ҳақиқатан ҳам, норинга бор меҳр-муҳаббатини қўшганди-да. Ошхонада завқ-шавқ билан «ижод қилганди». Кўнглига бир-бирдан ширин таомлар пишириб, ошпаз бўлишдек ниятни жойлаганди.

Мана, ҳозир у Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежининг 2-курсиди ўқияпти. Асосийси, у кўнглига кулоқ солиб, ўша мақсадига интиляпти. Бу ерда устозларидан пазандаликнинг ўзига хос сирларини ўрганапти. Табиатидаги ижодкорлик уни турли гўзал санъат асарлари — гулли тарвуз, мевали қушлар, гуллар ясашга ҳам

ундаяпти. Яқинда у «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши ўтказган «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» кўрғазмасида қатнашди. «Антиқа уйча»си билан кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Негаки, «уйча» чиндан ҳам антиқа бўлиб, у макарондан қилинганди. Ҳақиқий уйни эслатарди. Аслида, буниси ҳали ҳолва экан. Шунингдек, вафлидан кичкинагина Тошкент телеминораси ҳамда Эйфелни ҳам ясабди. Фаройиб балиқ кабобни, «Муҳаббат» салатини кашф этибди.

— Восит таомларнинг ижодкори, — дейди ўртоғи Баҳром Давронов. — Нуқул илҳом келганда овқат пиширади, фаройиб нарсалар қилади. Кимга қандай билмадиму менга унинг товук шўрваси кўпроқ ёқади.



Воситнинг ўчоқда товук шўрвани қойилмақом пишириши рост. Унинг айтишича, ўчоқдаги овқатга ўтиннинг мазаси ўтар эмиш. Шунга ширин бўлармиш. Бунга у астойдил ишонади. Ва овқатни ўчоқда қилишни яхши кўради.

— Ўчоқнинг «тилини тушунган» ошпаз газда ҳам яхши таом тайёрлайди, — дейди Восит. — Сабаби, ўтинни меъёрда ёқиш жуда катта маъсулият талаб этади...

Қаҳрамонимиз 2012 йилда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ўтказган «Кабоблар байрами»да биринчиликни қўлга киритди. Танловда у ўчоқда балиқ

Sening tengdoshing

шўрва пиширди. Беш хил — жигар, товук, жаз, балиқ ҳамда қийма кабоблар тайёрлади. Балиқ кабоб ҳаммасидан ўзгача чиқди.

— Ўғлим ҳамиша мени қойил қолдиради, — дейди онаси Саида Соатова. — Яқинда туғилган кунимга «Онажон» салатини тайёрлабди, жуда ажойиб. Тагин эринмай банкада гул, япроқдан табиатни жилвалантирибди. Воситимдан хурсандман...

Восит Зиёдов истеъдоди билан яқинларига хурсандчилик улашади. Бўш вақтида ошпазлар ҳақида китоб ёзади ёки ошхонада ижод қилади. Устози Моҳира Жўраевадан торт пиширишни ўрганади. Хуллас, унинг зўр ошпаз бўлишига ҳамма эшиклар очиқ, шароитлар етарли. Фақат чалғимай, ҳали тортилмаган таомларнинг муаллифига айланишга интилса, бас.

Бир куни ўқитувчим: «Қозонга аввал нима ташланади?» — деб сўради. Тўғриси, бунини ёш бола ҳам билади.

— Ёғ, — дедим ўйланмасдан.

— Йўқ, — деди у. — Назар ташланади. Ошпазнинг назари.

Мақолани ёзаётиб, беихтиёр шу воқеани эсладим. Эсладим уша ошпаз назари, нигоҳидаги касбнинг машаққатли ҳамда шарафли қирраларини кўрдим. Агар сиз ҳам таомларга яхшилаб назар ташласангиз, бу қирраларни, албатта, кўрасиз, деб ўйлайман.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири

Mustahkam oila sari

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига «Баркамол авлодни тарбиялашда зарарли иллатлар — ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ТАНЛОВИМИЗ: СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Ўзаро жонли мулоқот, савол-жавоблар тарзида ўтган ушбу тадбирда республика ОИТСга қарши курашиш маркази ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди. Дастилаб, марказ шифокори ОИВ ва ОИТС инфекциялари ҳақида батафсил маълумот берди. Унинг пайдо бўлиш белгилари ва асоратлари, юқиш йўллари, организмдаги иммунотанқислик ҳолати ва унда рўй берадиган клиник жараёнлар, уни даволаш чоралари хусусида атрофлича, ҳаётини мисоллар асосида тушунча бериб, бу ҳақда талабаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам ўртоқлашди.

— Оқибати дунёдан кўз юмишгача олиб келувчи бу касалликка чалинмаслик учун соғлом турмуш тарзи қоидаларига тўлиқ риоя қилиш зарур, — дейди мутахассис Зулхумор Холхўжаева. — Бутундунё ҳамжамияти бу иллатга қарши курашмоқда. Дунё бўйича гиёҳвандликка чалинган 33 миллиондан ортиқ киши рўйхатга олинган. Афсуски, уларнинг 25 миллион нафари оламдан бевақт кўз юмиб, бу хасталикнинг қурбонига айланган. Ачинарлиси, уларнинг бир фоздан зиёдини болалар ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич мамлакатимизда нисбатан оз. Чунки турли тарғибот-ташвиқот ишлари, мустаҳкам оила қуришдан олдин никоҳланувчиларнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши соғлом ва обод турмуш бунёдкорлари бўлган ёшларнинг зарарли иллатлардан сақланишига хизмат қилмоқда.

Талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар, тадбир соғлом турмуш тарзининг аҳамияти ва зарурияти тўғрисида фойдали маълумотларга эгаллиги билан ёшлар учун фойдали бўлди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Энг жонкуяр инсонлар сайланади

Mahalla va yoshlar

Шеробод туманида тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғини ва қирқ саккизта маҳалла мавжуд. Аини пайтда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга доир ишлар жуда қизгин. Аҳоли орасидан энг фаол, жонкуяр инсонлар маҳалла оқсоқоли, уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланади. Ана шундай инсонлардан бири Норхол Мирзаевани эл-юрт ўртасида обў-эйтибор қозонган инсон сифатида барча ҳурмат қилади. Норхол опанинг номзодини яна бу гал ҳам маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси номзодлигига сайлашмоқчи.

«Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Норхол Мирзаеванинг жонкуярлиги, фидойилиги барчага жуда яхши маълум. Маҳаллада ошларининг яхши-ёмон кунларида уларга елкадош, энг яқин маслаҳатчиси жорий йилнинг июль ойида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Танловнинг дастилаб туман, кейин вилоят ва республика босқичида ҳам биринчи ўринни қўлга киритиш осон

бўлмади, — дейди Норхол Мирзаева.

— Туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлинмаси бошлиғи Абдураим Муҳаммадиев, маҳалла раиси Панжи Номозовнинг яқиндан кўрсатган кўмаги ва маслаҳатлари менга катта ёрдам бўлди. Илгари ана шундай голибликни қўлга киритган юртдошларим ҳақида эшитганимда уларга ҳавас қилардим. Голиблик насиб этганда жуда хурсанд бўлдим. Танловда қатнашиб, ҳукуматимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жуда катта эйтибор берилаётгани, ривожланган фуқаролик жамиятини яратишда маҳалла институтининг аҳамияти нечоғли катта эканига яна бир қарра гувоҳ бўлдим. Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги маҳаллалардан бошланиши биз

каби маслаҳатчиларнинг фаолиятимизга ҳам боғлиқ экани сир эмас. 3802 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда ҳам биз каби маслаҳатчиларнинг ишлари жуда кўп. Жумладан, маҳалла аҳолисининг 1766 нафарини аёллар, минг нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Хотин-қизлар масалалари, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг ишларини ташкил этишда доимо ҳушёрлик, сергаклик бизга ҳамдам.

Дарҳақиқат, Норхол опа айтганидек, «Ёшлик» маҳалласида маслаҳатчи опанинг амалга оширадиган ишлари ҳали талайгина. Ҳар ўқув йили аввалда ўқувчиларнинг давомати, ўқиши яна бир қарра назоратга олинади. Мактаб — маҳалла — оила концепцияси асосида намунали ишлар қилинмоқда. Таълим муассасаларида, хонадонларда, маҳаллада турли мавзуларда малакали мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолган. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг камил инсон бўлиб улғайишларига кўмаклашиш мақсадида маҳалла фаоллари тушунтириш, тарғибот ишларини йўлга қўйишган. Кимнинг уйида нима гап — маҳалла фаолларининг эйтиборида бўлади. Бирор боланинг ҳулқ-атвори, ўқиши, бўш пайтлари

нима билан шуғулланиши маҳалладагиларнинг, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш инспектори назаридан четда қолмайди.

Аини пайтда «Ёшлик» маҳалласида юртимиздаги бошқа маҳаллаларда бўлгани каби фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Ушбу маҳаллада ҳам сайлов участкаси, ишчи гуруҳи ташкил этилди. Номзодлар ҳақидаги маълумотлар шакллантирилди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир барча ишлар ўз муддатларида амалга оширилмоқда. Аҳоли орасидан сайловда қатнашиш учун делегатлар сайланди. Сайлов ўтказиш жадвали, куни, вақти, жойи, масъуллар аниқланди.

Туманда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқол) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ташкил этилди. Сайловчилар орасидан делегатлар сайланди, номзодлар билан учрашувлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Раис ва маслаҳатчиликка номзодлар аниқланиб, улар ҳақида маълумотлар тайёрлаб қўйилди. Аҳоли орасидан сайловда қатнашадиган вакиллар ҳам ўз сайловчиларининг хоҳиш-истакларидан бохабар қилинмоқда.

Наргиза
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири



ЁШЛАР — КОРХОНА ТАЯНЧИ

Навоий вилояти Конимех туманидаги «Қизилқум полипропилен» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилаётган 35 ишчининг асосий қисмини касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Йилига 8 миллион дона полипропилен қоп ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада иш икки сменада таш-

кил этилган, жамоа учун қулай меҳнат шароити яратилган. Замонавий технология асосида фаолият юритаётган корхонанинг таянчи ёшлардир.

СУРАТДА: (чапдан) корхона ишчилари Муниса Файбуллаева ва Гулчехра Ярашова.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат



Жазоси тайин

Францияда болага нисбатан қўпол муомалада бўлган ота-она жиноий жавобгарликка тортилди.

Аниқроғи, улар ўз фарзандини туғилганидан буён машина юкхонасида сақлашган. Болани устахонага ташлаб кетилган машина юкхонасидан усталар топишди. Улар қизалоқнинг аҳволини кўриб, полицияга хабар бериш кераклигини тушунишди. Гўдакнинг аҳволи оғир эди: очлигидан бошини кўтара олмас, иситмаси баланд. Деярли бутун умр куёш кўрмагани сабаб, боланинг ранги докадек оппоқ бўлиб қолган. Болани тезда шифохонага олиб боришди. Қирқ беш ва қирқ ёшли ота-онага эса бир ярим ёш қизини юкхонада сақлагани учун Террасон шахар суди ўн йиллик қамоқ жазосини белгилади. Полиция сўзларига кўра, улар асли португалиялик бўлиб, Францияда ижтимоий ёрдам олиб кун кечирган. Қизчанинг аҳволи оғир, боз устига асаб тизими ҳам жиддий шикастланган.

Ноанъанавий парҳез

Шотландияда типратикан парҳез тутди ва натижада ўз вазнининг ярмини йўқотди.

Эдинбург лақабли жониворга ҳайвонот боғида керагидан ортиқ егулик берилган эди. У кун давомида мевалар билан бирга ундан тайёрланган турли егуликлар ва мушуклар учун мўлжалланган калорияга бой овқатларни истеъмол қилган. Натижада, типратикан ўз вазнини икки баравар оширди, оғирлиги 2,3 килограммга етди (одатда типратиканлар оғирлиги 700 граммдан ошмайди). Энг асосийси, жонивор думалоқ бўла олмай қолди. Югура олмас, тез чарчайдиган бу типратиканга мутахассислар парҳез жорий қилдилар. У парҳез билан бирга ҳар куни жисмоний тарбия билан шуғуллантирилди. Ҳозирда Эдинбург анча фаол ва серҳаркат.

Ҳалолликнинг самараси

Италиялик пенсионер Луизи Музацци кечқурун Милан кўчаларидан бирида сайр қилиб юриб, ичида етти минг евро сиб бўлган ҳамён топиб олди.

Ичида ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги сабаб, қария пулни полицияга топширди. Ҳамён швейцариялик теннисчи Мириам Казанованики бўлиб чиқди. Саёҳатга келганда ҳамёнини йўқотган теннисчи уни қайта топилишидан умидини узган эди. Суюнчисига спортчи етти юз еврони қарияга берди. Полиция ҳам Луизи Музаццига ҳалоллиги учун миннатдорлик билдирди.

Кўнгилсизлик

Хитой пойтахти Пекиндаги Тяньань-мэнь майдонида машина ёниб кетиб, сўнг портлади.

Сайр қилиб юрган одамлар орасига кириб келиб портлаган машина тўрт кишининг ҳалок бўлишига сабаб бўлди. Улардан уч нафари машина ичида бўлган. Шифохонада вафот этганлардан бири эса машина яқинида қолган эди. Маълумотларга қараганда, машина катта тезликда келиб, сайёҳлар ва полиция ходимларини уриб, тўсиқдан майдонга ўтган. Майдонда 400 метр юрган сўнг машинада ёнгин чиққан. Сайёҳлар учун мўлжалланган, тарихий Тяньань-мэнь майдони шундан сўнг маълум муддатга ёпилди.

Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Она тили ва адабиёт фани ойлиги

Жорий йилнинг октябрь ойи республика-мизнинг барча умумтаълим мактабларида Она тили ва адабиёт фани ойлиги деб эълон қилинган. Ойлик доирасида турли қизиқарли ва самарали тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Олмазор туманида жойлашган 249-мактабда бўлиб ўтди.

Ойлик якуни сифатида «Она тилим — жону дилим» мавзуида ташкил этилган ушбу тадбир тумандаги барча умумтаълим мактабларининг аълочи ва иқтидорли ўқувчилари баҳру байт, сахна кўриниши, деворий газета, кўргазмалар куроллар каби шартлар бўйича ўзаро беллашди.

— Ойлик доирасида турли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, бирин-

чи ҳафтада деворий газеталар тайёрланиб, ўқувчилардан она тили ва адабиёт фанидан кириш тестлари олинди. Иккинчи ҳафтада ҳар бир синфда очиқ дарс соатлари ўтказилган бўлса, учинчи ҳафтада ижодкорлар билан учрашувлар, музейларга саёҳатлар уюштирилди. Сўнги ҳафтада ўқувчиларнинг ойлик доирасида ўзлаштирган биллими яна бир бор

тест синовидан ўтказилди, — дейди 249-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Дилором Зуфарова.

Беллашувлар олдидан ҳар бир мактабнинг иқтидорли ва фаол ўқувчилари томонидан мавзуга оид тайёрлаб келган кўргазмалари намойиш этилди. Улар орасида 233-мактабнинг «Ўзбек тили» боғига таклиф эта-миз» номли кўргазмаси барчанинг диққатини тортди. 278-мактаб ўқувчиси Ш.Ортиқов эса адабиётда ўқиган эртак ва ҳикояларини мўйқалам билан тасвирлаган.

Дастлаб, ҳар бир мактабдан биттадан ўқувчи сахнага чиқиб, баҳру байт айтди. Шарт якунида энг

кўп шеър ёдлаган 196-мактаб ўқувчиси Миржалол Зиёдуллаев ғолиб бўлди.

Шу тариқа, жамоалар белгиланган шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиб борди. Танлов сўнгида турли номинация ғолиблари ҳам эълон қилинди. Унга кўра, «Энг яхши сахна кўриниши» номинациясида 249-мактабнинг Драма тўғараги аъзолари, «Энг яхши дарс ишланмаси»да 278-мактаб ўқитувчиси Нодира Рашидова, «Энг яхши кўргазмалар курол» номинациясида 261-мактаб жамоаси, «Энг яхши фан ойлиги ҳисоботи» номинациясида 249-мактабнинг она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили методик бирлашмаси ғолиб деб топилди.

Рустам ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбири

«Kamolot» sadosi

Биргалликда курашамиз

Шу кунларда республика-мизнинг барча ҳудудларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан эълон қилинган «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси ўтказилмоқда.

Ёшлар ўртасида тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш, улар орасида соғлом турмуш тарзи асосларини тарғиб этиш ҳамда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа доирасида Андижон вилоятида ҳам миниссиялар ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

«Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида олиб борилаётган ана шундай тадбирлар Андижон шаҳридаги 2-, 8-, 11-, 15-мактабларда ҳам бўлиб ўтди. Лойиҳа доирасида «Камолот» фаоллари Андижон шаҳридаги ўттизга яқин савдо шохобчаларига Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши томонидан тайёрланган «Бу қонун!», «Это закон!» шиори остидаги махсус стикерларни ёпиштириб чиқишди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ, «Turkiston» мухбири

Yoshlik ilhomi

ОРЗУ

*Ўсмир йигит онасига баён қилар орзусин,
Келажакда ажойиб бир қурувчи бўлишин:
«Мен улғайиб бир куни зўр қурувчи бўламан,
Халқим учун зўр, шинам, баланд уйлар қураман.*

*Улуғ она юртимнинг хуснига ҳусн кўшиб,
Иморатлар қураман ёш дилим тошиб-жўшиб.
Ўзбекистон аталмиш, ўлкани яинатаман,
Бу ёруғ олам аро доврўғин таратаман».*

СЕВГИ ФАСЛИ

*Кўп ошиқ бўларкан одамзод насли,
Фақат битта бўлар муҳаббат фасли.
Ҳаёт ҳақиқати — гўзаллик асли,
Кузак севмоқ фасли, севилмоқ фасли.*

*Самимий тилагим сизгадир, тенгдош,
Сиз ҳам гўзалликни севинг, севилинг.
Муҳаббат йўлида тилайман бардош,
Севгингиз йўлида чидамли бўлинг.*

**Гулсал КЎЗИЕВА,
Мухтор Ашрафий номидаги
Бухоро санъат коллежи ўқувчиси**

Спортчи талаба — соғлом мутахассис



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг муҳим воситаси — спортни ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётган. Таълим тизимининг барча бўғинларида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етишиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде ҳам талабаларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказиши учун спортнинг миллий кураш, дзюдо, енгил атлетика, футбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, регби, бадминтон каби турлари бўйича секциялар фаолияти йўлга қўйилган.

Университетнинг замонавий спорт мажмуаси доим ёшлар билан гавжум. Бу ерда университетнинг 350 нафарга яқин талабаси ўндан зиёд малакали мураббийлар раҳбарлигида спорт билан мунтазам шуғулланади. Улар орасида ўзбек кураши билан шуғулланувчи ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Мураббий Шаҳоб Бобонов айна пайтда 40 нафардан зиёд та-

лабага миллий кураш сирларини пухта ўргатмоқда.

— Ёшларнинг спортга бўлган катта иштиёқини кўриб, ўзимнинг ёшлик йилларим кўз олдимга келади, — дейди Ш.Бобонов. — У даврларда спорт билан, айниқса, миллий спорт турлари билан шуғулланиш учун имконият йўқ эди, халқаро мусобақаларга чиқишни-ку орзу ҳам қилмасдик. Бугун эса ўғил-қизлар ўзи истаган спорт тури билан шуғулланиши, иқтидор ва маҳоратини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилган.

Мамлакатимизда жорий қилинган уч босқичли спорт тизими ўғил-қизларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда. Университет талабалари орасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларида қатнашиб, спорт сирларини пухта ўзлаштирган иқтидорли спортчилар кўп. Ёш авлоднинг мана шу тарзда мактаб, коллеж, олий ўқув юртида босқичма-босқич ва узлуксиз равишда спорт билан шуғулланиши уларнинг ҳар томонлама соғлом инсонлар бўлиб улгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Университет талабалари мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда фаол қатнашиб келмоқда. Яқинда Фарғонада кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда Рустам Шоимов биринчи ўринни олди.

— Устозимиз Шаҳоб ака бизга доим истиқлол туфайли яратилаётган кенг имкониятларга муносиб бўлишимиз кераклигини таъкидлайди, — дейди Р.Шоимов. — Спортчи сифатида жаҳон миқёсидаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, миллий курашимизнинг довуғини бутун дунёга ёйишни орзу қиламан.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА муҳбири

Матонатли спортчиларимиз

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги паралимпия ўйинларида ҳамюртларимиз тўртта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритди.

Дзюдо бўйича Шухрат Бафоев 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида гиламга чиқиб, рақиб Ризо Ғулумийни енгди ва олтин медални қўлга киритди. 66 килограммгача эса яна бир дзюдочимиз Нурбек Бердиёров Жанубий корейлик Ли Жун Хуни мағлуб этди. Натижада у ҳам биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, турнирда енгил атлетикачимиз Илхом Рихсибоевга тенг келадигани топилмади. У найзани 28,1 метрга улоқтириб, ўзининг биринчи олтин медалини қўлга киритган бўлса, дискни 28 метр 73 сантиметрга улоқтириб, ўзининг иккинчи олтин медалини терма жамоамиз ҳисобига қўшиб қўйди. Юз метр масофага спринтерча югуришда эса Фаррух Мирзақулов фахрли иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Ушбу мусобақада 42 мамлакатдан 2500 нафар спортчи иштирок этмоқда.

Полвонларимиз — юртимиз фахри

Қозоғистоннинг Тараз шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича халқаро турнирда икки нафар спортчимиз фахрли ўринларни қўлга киритди.

66 килограммгача бўлган вазн тоифасида Ихтиёр Наврўзов Россия, Беларус ва Қозоғистон терма жамоаси вакиллари мағлуб этиб, турнир ғолиби бўлди. Шунингдек, юртдошимиз Муҳаммадсиддиқ Жўраев 60 килограммгача вазн тоифасида бронза медални қўлга киритди.

Жавохир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Хўжа Насриддин ...						Кичкина дарвоза		Соё, кўланка	Атроф-муҳит, борлик			Халтали жонивор	Масҳара, мазах
Театр ходими	Пармуда, варақи	Лоақал, хеч бўлмаса		Ўзаал, барно, лобар		Рус зодағони					Узум пояси		Қорли ёмғир
				Хушбўй барг				Кулоққа лағмон ...	Хом сут эмган ...				
Камар, қайиш		Дудок, ирин				Амакиннинг хотини (тошкентча)					Содда, анюйи		
				Миллий мато					... ва ракс ансамбли				
Вақт бирлиги	Аёллар бош кийими	Шаҳар (Бельгия)				Самолёт гаражи	Ховлик-ма, шош-қалоқ		... (хинд актриса)		Автоинспектор асобоби		Бўйи баланд, новча
				Сунъий қон	... садо						Браун		
Ойи, ая		Сахий, жумард		Ёқилғи (инглизча)		Филтросиз сигарет тури		Автомаркиси (рус)			Қазилма, маъдан		Монго-лойд, негройд
						Оғиз суюқлиги					дармон		
«... ва Димна» (асар)	Олифта	Қагадзае («пахтакорчи»)				Тошкент футбол жамоаси							
						... Ниёзметова (қўшиқчи)					...-рўз		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

TABASSUM

ХАЁЛПАРАСТАЛАР

Икки паршонхотир учрашиб қолди. Биринчиси сўради: — Ҳа, ўртоқ, қаерга кетаяпсан?

Иккинчи паршонхотир дўстининг юзига термилди, термилди, охири, жавоб берди:

— Дўконга кетаяпман.

Биринчи паршонхотир ҳам дўстига бир муддат тикилиб қолди. Ўйлади, ўйлади, охири, деди:

— Ҳа-а, мен сени дўконга бораётган бўлсанг керак, деб ўйловдим...

БИЛАНГ, СЎРАМА!

Афанди эшигининг қулфи бузилиб қолиб, уни терлаб-пишиб тузатиб ўтирган эди, қўшниси чиқиб сўради:

— Афандим, нима қилаяпсиз?

— Ўрик қоқаяпман, келинг, — деди Афанди.

Қўшни ажабланди.

— Ие, қулф тузатаяпсиз-ку!

— Ўзингиз нимага билиб туриб сўрадингиз? — қолди Афанди.

YON DAFTARCHANGIZGA

Ақли камнинг азоби кўп.

Ўзбек халқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6998



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева
Дилбар
Эркиновна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,

Матбуотчилик кўчаси, 32.

Телефонлар:

(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоиси келишилган нархда.

Буюртма Г-1043.
Адади — 8113

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.10
ЎЗА якуни — 20.55

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6